

ПОСТМОДЕРНИЗМ АДАБИЁТИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛ ҲОДИСАНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Турсуной Бозор қизи ШАРИПОВА

магистр

Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ҳозирги кундаги матнлараро муносабатнинг илмий асослари ёритилган. Модернизм ва ундан кейинги Постмодернизм адабиётидаги ўхшаш ва фарқли тарафлар очиб берилган. Эркин Воҳидов ижодида интертекстуал таҳлиллар амалга оширилган.

Таянч сўзлар: интертекстуаллик, шеърят, аллюзия, реминисценция, цитата, стилизация, аллюзив номлар, матн, постмодернизм, модернизм, постструктурализм, “муаллиф ўлими”, интертекстуал ўйин.

ИЗУЧЕНИЕ ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОГО ЯВЛЕНИЯ В ПОСТМОДЕРНИСТКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Турсуной Бозор қизи ШАРИПОВА

магистр

Термезский государственный университет
Термез, Узбекистан

Аннотация

В статье описаны научные основы современных интертекстуальных отношений. Выявляются сходства и различия между модернизмом и постмодернистской литературой. На примере творчества Эркин Вахидова осуществляется интертекстуальный анализ.

Ключевые слова: интертекстуальность, поэзия, аллюзия, реминисценция, цитата, стилизация, аллюзивные имена, текст, постмодернизм, модернизм, постструктурализм, «авторская смерть», интертекстуальная игра.

Олимларнинг таъкидлашича, ҳар бир бадиий матн илгари бошқа матнларда ишлатилган элементларни ўз ичига олади. Муаллифнинг ниятига қараб матнлар бошқаларнинг матнларини стилизация қилиш, талқин қилиш, пародия қилиш каби элементлар билан амалга оширилиши мумкиндир. Икки муаллифнинг матнлари турли даражаларда бир-бирига ўзаро таъсир қилади. Икки ёки ундан ортиқ муаллифларнинг матнларининг алоқаси, оғзаки ибораларни матнда акс эттириш ҳодисаси одатда интерматн, деб аталади.

Ушбу интертекстуаллик атамаси XX асрнинг иккинчи яримларидан адабиётга кириб келди. Ўзбек адабиёти намуналарида ҳам ушбу ҳодиса мавжуддир. Бироқ, энди биз жаҳон адабиётшунослиги миқёсидагидек “муаллиф ўлими”ни яратмаймиз. Аксинча, бу усулнинг ёзувчи ижодидаги аҳамиятини, ижодкор маҳоратини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Матнлараро муносабат муаммоси ҳозирги кунга қадар долзарб бўлиб қолмоқда, чунки барча матнлараро материалларни ўзлаштиришнинг иложи йўқ. Биз ўз ишимизни интертекстуаллик ҳодисасини ўрганишга олиб борамиз ва интертекстуалликнинг ёзувчи ижодидаги ўрнини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

XX аср охири XXI аср бошларида Европа санъат ва адабиётида Модернизм термини оммалашди. Бу термин заминида ягона маданият европасентризм маданияти ётар эди. Модернизмга хос умумий хусусиятлардан бири шуки, у объектив борлиқнинг тасвири ўрнига унинг ижодкор тасаввуридаги бадиий моделини яратишни мақсад қилади. Яъни бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкорни ўз –ўзини ифодалаши устувор аҳамият касб этади [4].

XX асрнинг иккинчи ярмидан эса адабиёт ва санъатда модернизмга акс таъсир этувчи оқим пайдо бўлди ва у Постмодернизм – (Модернизмдан кейинги) деб аталди. Адабиётшунослиқда эса постмодернизм термини XX асрнинг йигирманчи йиллариданоқ ишлатилган бўлиб, у адабий жараёндаги модернизмга акс таъсир ҳодисаларини, 60-70 йиллар Америка адабий танқидчилигида эса ультрамодернистик ижодий тажрибаларни англаган. Постмодернизмнинг модернизмдан асосий фарқи европасентрик қарашнинг инқирози, Лотин Америкаси, Шарқ, Африка халқлари маданиятига қизиқиш ва маданият алмашинувида намоён бўлди. Постмодерн адабий асарлар поэтикасини ўрганаётган структуралистлар ва постструктуралистлар, аввало, улардаги лингвистик материалларнинг ишлашига эътибор беришади. Тадқиқотчиларнинг асарларида тил ўзига хос “Ҳамма нарсанинг ўлчови” сифатида тушунилади, бу нафақат постмодерн асар матнининг ўзига хос

услуги билан ҳам ажралиб туради. Замонавий инсоннинг изчил тафаккури ёзма матннинг ўзгармаслиги билан аниқланади. Постмодернизм назариётчилари дунёни ҳақиқий деб билиш мумкин эмас деган ғояни адабиётда намоёни этишади.

Постмодернизм тушунчасидаги матнни таҳлил қилиш, изоҳлаш процедураларига яқинлашиш, тугаган матнни ва уни яратиш жараёнларини ўрганишга қаратилган. Постмодернизм билан бир қаторда Постструктурализм деб номланган илмий ёндашув кириб кела бошлади. Постструктурализмнинг ватани – Франция, унинг йирик намоёндалари сифатида Ж.Деррида, К.Касториadis, Ж – Ф Лиотар, Ж.Делез, Ю.Кристева сингари олимлар эътироф этилади...

Структурализм каби Постструктурализм ҳам маданиятга лисоний фаолият, матн деб қарайди, лекин уларнинг матнга муносабати кескин фарқланади. Агар структурализм матнга имманент ҳодиса деб ёндашиб, унинг ички қурилишини ўрганиш билан чекланса, Постструктурализм асосий эътиборини матннинг орқасидаги контекстга қаратади. Структурализм матнга турғун ҳодиса сифатида қараса, Постструктурализм матнни ҳаракатдаги ўзгарувчан ҳодиса деб билади [4;231]. Демак, Постструктурализмда матн ўзгарувчан ҳодиса экан – бу ижодкорнинг “мен” деган тушунчасига, албатта, таъсир қилади.

Постмодернизмга кўра муаллифлик масаласининг актуаллашуви ва бу шахс мақомининг ўзгариши рационализмга хос инсон дунёни ўзгартира олади – деган ишонч натижасидир. Эндиликда бу ишончга путур етган бир шароитда бетартиб ва пароканда оламда ўз ўрнини йўқотгани каби, адабиётда субъектнинг роли ҳам йўқолиши муқаррардир. Бундай қараш биринчидан, “Муаллиф ўлими” концепциясини келтириб чиқаради. Иккинчидан, ижодни шахснинг мақсадли йўналтирилган яратувчилик фаолияти эмас, моҳиятан коллектив ижод бўлган “интертекстуал ўйин” сифатида тушунишга олиб келади [4;231]

Францияда биринчилардан тилнинг ўзини унинг эгасиман деган шахснинг ўрнига қўйиш зарурлигини олдиндан кўрган – Малларме ҳисобланади. Малларме бизнинг тушунчамиз бўйича муаллиф эмас, балки тил гапиради, деб ҳисоблайди. Ёзув (тил) бошиданок шахссиз фаолиятдир, бу эса энди, “мен” эмас, балки тилнинг ўзи ҳаракат қиладиган, “ижро этувчи” эканлигига эришишга имкон беради. Малларме поэтикасининг моҳияти муаллифни йўқ қилиш, унинг ўрнига тилни қўйишдир ва бу, биз кўриб турганимиздек, ўқувчи ҳуқуқларини тиклашни англатади. Тилшунослик нуқтаи назаридан муаллиф фақат ёзувчидир, худди, мен фақат “мен” деганнинг ўзи бўлгани каби; тил “шахсни” эмас “субъектни” билади ва нутқ акти ичида аниқланган ва ундан ташқарида ҳеч нарсани ўз ичига олмайдиган бу субъект бутун тилнинг ўзида “ўз ичига олиши”, унинг барча имкониятларини тўлдириши учун кифоя қилади [1;233].

Р.Бартнинг фикрича муаллифнинг олиб қўйилиши, энди ёзувчининг асардаги ўрнини йўққа чиқаради. Ҳозирги кунда Европа давлатларида Р.Бартнинг қарашлари тобора оммалашмоқда. Постструктуралистлар матн ўзгарувчан, барча матнлар у ёки бу матннинг йиғиндисидан иборат деган фикрни илгари суришлари оқибатида интертекстуаллик термини келиб чиқди. Интертекстуаллик матнда бевосита ёки аниқ равишда мавжуд семантик уюшмалар, ташбеҳлар, эсдаликларни уйғотади ва матннинг семантик чегараларини кенгайтиришга ёрдам беради. Демак, “муаллиф ўлими” терминининг заминида маданият, матн, тил аралашуви ётар экан, интертекстуаллик эса ушбу матнларни яратувчи элементлар йиғиндисидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам интертекстуаллик ҳодисасини ўрганиш бошлаб юборилган. Лекин “муаллиф ўлими” термини тўлалигича қабул қилинмади. Ушбу масала юзасидан адабий танқидчиларимиз қарашлари мавжуд. Хусусан, У.Норматовнинг “Муаллиф ўлимига сиз ҳам овоз берасизми?” номли мақоласида “муаллиф ўлими”ни қабул қилишга қарши эканини, ҳар бир ижодкорнинг шахсий фикри борлигини айтиб ўтади.

Дунё бир матн деб олинар экан, ўша матнларнинг аралашуви эса интертекстуалликдир. Интертекстуалликнинг хусусиятларида бири шундаки, у белгининг иккиланишини яратишга ҳисса қўшади, яъни бир вақтнинг ўзида янги матнга ҳам, илгари яратилган матнга ҳам тегишли. Постмодернистлар учун эса тузилиш муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, ёзиш ҳар доим такрорлаш бўлиб, у ҳам такрорлаш, ҳам турли матнларнинг изларини олдинга йўналтирувчи қайта ёзиш, била туриб ва билмаган ҳолда жойлаштириш ва жойини ўзгартиришдир. Бизнинг асарларимизда турли матнлар аралашмаси учрайди. Бу ҳодисани назардан четлатиб бўлмайди. Ҳозирги ўзбек шеъриятида интертекстуаллик ҳодисасини Э.Воҳидов шеърлари мисолида кўриб чиқамиз. Эркин Воҳидов Озарбайжон шоири Фузулий ижодига кизиққан. Унинг “Фузулий ҳайкали қошида” деб номланган шеърда Фузулийнинг бир неча ғазалидан байт киритган.

Масалан,

*Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли шавқ завқин ташнаи дийдор ўландан сўр.
Кўзи ёшлуларинг ҳолинг на билсин мардуми гофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.*

Шоир шеърига киритилган цитата Фузулийнинг “*Шифойи васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландан сўр*” номли ғазалидан олинган. Шоирнинг қўллаган интертекстидан мақсад, Фузулий ижодидаги ғазалларни яна бир бор ўқувчига эслатиш, унинг ғазаллари бетакрор эканини таъкидлаш, ўқувчи онгидаги ижоди даражасини янада юқорироққа кўтаришдир. Шу билан бирга “*Фузулий ҳайкали қошида*” деб номланган шеърда “*Сабо азёрдан пинҳон гамим дилдора изҳор эт*”, “*Муқаввас қошларинг ким, ўсма бирла ранг тутмишлар*”, “*Гўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним*” номли ғазалларидан цитаталар киритилган. Интертекстуаллик ҳодисаси турли воситалар ёрдамида амалга ошади. Шеъриятда асосан аллюзия, реминисценссия, цитата, стилизация каби турларини учратиш мумкин. Шоирларнинг ўзидан олдин яшаган, ёки замондош ижодкорлар асарларига мухаммас, назиралар

боғлашлари ҳам интертекстуалликнинг бир кўринишидир. Э.Воҳидов ижодида ҳам Навоий, Бобур каби мутафаккирлар ғазалларига мухаммаслар учрайди. Масалан “*Навоий ғазалига мухаммас*” тариқасида ёзилган ижод маҳсулида Ҳазрат Навоийнинг “Айлагач” радифли ғазали танлаб олинган:

*Кўз очар гулшанда ғуча, булбул афғон айлагач
Нега афғон айлай, ул гул юзни тобон айлагач,
Мисли ойким, кўрк очур сайри шабстон айлагач,
Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.*

Мухаммаслар мумтоз адабиётимизда кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, у икки хил бўлади:

1. Мустақил мухаммаслар: мумтоз адабиётимизда таъби худ мухаммас деб юритилиб, унинг барча мисралари бир шоир қаламига мансубдир.

2. Тахмис деб юритилиб, ўзга шоирларнинг ҳар бир байт ғазалига яна уч мисра қўшиш билан яратилади [4;277].

Интертекстуаллик ҳодисаси шеърларда сарлавҳа, эпиграфларда ҳам кузатилади. Шоирнинг “*Сенга бахтдан тахт тиларман*” номли шеърида эпиграф сифатида Нодирабегимнинг “*Эҳтиёж*” радифли ғазалидан “*Сен занисан менда бисёр эҳтиёж*” мисраси киритилган.

Эпиграф бадий асар қисми сифатида унинг шаклланиши ва тушунилишидаги муҳим элементлардан биридир [3;129]. “*Ҳижрон юки*” деб номланган шеърида эса А.Навоийнинг “Айлагин жондин жудо, Этгунча жонондин жудо” мисралари эпиграф сифатида танланган.

*Мен бўлай жондин жудо,
Бўлгунча жонондин жудо.
Не керак жон, эса жоним
Бир умр армон юки.*

Шоир мисраларидан кўришиб турибдики, танланган эпиграфга мос равишда Навоий ғазалини эсга солувчи мисралар яратилган. Эркин Воҳидовнинг “*Ҳофизга*” деб номланган шеърида:

Минг Самарқанд, минг Бухоро

Ҳады этгум ҳол учун.

Лек Нигоримда ҳавас йўқ,

Мулки давлат, мол учун.

Бу шеърнинг дастлабки икки мисраси Ҳофиз Шерозийнинг:

Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жанони,

Қора холига бахш этгум Самарқанд-у Бухорони,

мисраларини ёдга солади.

Лингвистик тадқиқотларда интертекстуаллик матннинг энг муҳим категориялик характеристикаси сифатида қаралади. “Ўзимизнинг” ва “биронинг” сўзларини ўзаро диалогик шаклда акс эттиради. Адабиётшуносликда интертекстуаллик постмодерн услубни баҳолаш учун муҳим асос бўлиб, у матнни котировкаларнинг мозаикаси сифатида сингишини, тизимли семантик таъсирга эга бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Барт, Ролан. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – Москва: Прогресс, 1989. – 260 с.
2. Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Тошкент: Sharq, 2019. – 676 б.
3. Хомидова М. Vadiiy matn pertsepsiyasida intertekstuallik: филол.ф.б. фал.(PhD) доктор.дисс. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти ун.ти., 2021. – 140 б.
4. Д. Куронов ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 397 б.
5. Quronov D. Adabiyotshunoslik nazariyasi asoslari. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 380 б.